



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ФАОЛИЯТИНИ, БУ ТУРДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси

ўқитувчиси, капитан

Тошпўлатов Алибек Улуғбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги

бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 311-ўқув гуруҳи

курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17413479>

ARTICLE INFO

Received: 1st October 2025

Accepted: 15th October 2025

Published: 22nd October 2025

KEYWORDS

Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси, Ички ишлар
органлари, ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси хизмати,
жамоат тартибини сақлаш
фаолияти.

ABSTRACT

*Ушбу мақолада ички ишлар органлари
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
хизматларининг жамоат тартибини сақлаш
фаолияти, бу турдаги ҳуқуқбузарликлар
профилактикасини такомиллаштириш йўллари,
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
хизматларининг асосий вазифалари ва жамоат
тартибини сақлашга юзага келадиган муаммо ва
камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан
фикр ва мулоҳазалар ёритилган.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилиб, бу борадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий база шаклланди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали фаолияти натижасида мамлакатда ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамланиб, криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланди. Бу эса фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиршини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида нутқида “Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оилалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга қўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз. Ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак”¹ деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан

¹ Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидан. <https://kun.uz/kr/17729101?q=%2F17729101>.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли ва 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарорлари ҳамда 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармонлари айнан ички ишлар органлари профилактика хизматлари фаолиятига тааллуқли бўлиб, ушбу хизматнинг асосий фаолияти йўналишлари, вазифалари, ваколатлари, таркибидаги бўлим ва бўлинмалар ҳамда уларнинг таркибий тузилмаларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲПХнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) мамлакатдаги криминоген вазият тўғрисидаги ахборотни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида мавжуд куч ва воситалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш.

2) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини, шу жумладан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш, кадрлар салоҳиятининг доимий равишда мустаҳкамланишини таъминлаш.

3) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни, шунингдек қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини ижро этиш бўйича фаолиятни белгиланган тартибда назорат қилиш.

4) қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

5) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, ўзга давлат органлари ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБларнинг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- туман-шаҳар ички ишлар органларидан ҳудуд бўйича криминоген вазият ҳақидаги ахборотни талаб қилиб олиш ва умумлаштириш;

- туман-шаҳар ҳудудлари бўйича бўйича криминоген вазият ҳақида олинаётган ахборотни тизимли равишда ўрганишни амалга ошириш;

- туман-шаҳардаги жамоат тузилмалари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳамкорликдаги ишларни ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲПХ раҳбариятига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, куч ва воситаларни оқилона жойлаштириш ва қайта тақсимлаш бўйича таклифлар тақдим этиш;

- туман-шаҳар ҳудудида жойлашган давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш;

- профилактика инспекторлари фаолиятини ўрганишни ташкил этиш;

- туман-шаҳар ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ишини самарали ташкил этиш учун методик ва бошқа материаллар ишлаб чиқиш;

- ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилик, давлат дастурлари ва бошқа дастурлар бажарилиши устидан мониторинг ва назорат қилиш;
 - ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида белгиланган тартибда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга ошириш;
 - ички ишлар органлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг моддий-техник жиҳозланиши ва инфратузилмасининг ривожланишини таъминлаш бўйича чоралар ишлаб чиқиш, профилактика инспекторлари учун муносиб хизмат шароитларини яратиш;
 - ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликдаги ишларни ташкил этиш;
 - ҚР, Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида махсус профилактик тадбирларни ўтказиш юзасидан юқори турувчи органларга тавсиялар киритиш ва улар асосида тадбирларни ташкил этилиши ва амалга оширилишини таъминлаш;
 - ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича минтақавий комиссияси функциясини бажариш;
 - давлат органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, жамоат бирлашмалари билан биргаликда вояга етмаганларни ўқитиш ва ижтимоийҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш, вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашдаги умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш;
 - аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий кескинликни юмшатиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этишнинг асосий шарти сифатида тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қўмаклашиш;
 - таълим муассасаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва ташкилотлардан мутахассисларни жалб қилган ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;
 - ҚР, Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб масалалари бўйича семинарлар ва «давра суҳбатлари» ўтказиш.
- Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳам давлат ташкилотининг таркибий тузилиши сифатида уни ташкил этилишидан кўзланган мақсад ва ушбу мақсадга эришиш учун эса, уларнинг зиммасида тегишли вазифа ва функциялар мавжуддир.
- Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги қонунига биноан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.
- Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари шахсининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шартшароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум

этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузар-ликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Шунингдек, ушбу қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар тизими, уларнинг ваколатлари баён этилган бўлиб, ушбу фаолиятни амалга оширувчи органлардан бири - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидир. Ички ишлар органлари тизимида эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини асосий ва кенг доирада амалга оширувчи таркибий тузилма Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизмати бўлиб, улар ўз ўрнида ички ишлар органлари ҳуқуқбузар-ликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борган сари профилактик хусусият касб этиб бораётгани, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти янада ошишига сабаб бўлмоқда десак, муболаға бўлмайди. Мазкур фаолиятни амалга оширишда эса, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, аҳоли турар жойларида кўп қиррали ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти айнан профилактика инспекторларининг фаолиятдан бошланади. Профилактика инспекторлари эса, ўз ўрнида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг қуйи тизими ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти хусусида бир қанча мутахассислар ўзлари тадқиқот олиб борган соҳаларига тааллуқли таркибий тузилмаларнинг фаолиятини муаллифлик нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда йўналишларга бўлиб тадқиқ қилганларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, И. Исмаилов ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмат-ларининг таркибий тузилиши бўлган таянч пунктларининг фаолиятини, ўзаро боғлиқ вазифаларидан келиб чиқиб, шартли равишда тўққизта йўна-лишга ажратади. М.З. Зиёдуллаев эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари таянч пунктларининг фаолиятини қуйидаги олтита йўналишга ажратади:

- 1) жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти;
- 2) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти;
- 3) маъмурий-процессуал фаолият;
- 4) тезкор кидирув фаолияти;
- 5) жиноят-процессуал фаолият;
- 6) жиний жазолар ижросини таъминлаш фаолияти².

Ж.С. Мухторов эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятини еттига йўналишга ажратади: 1) носоғлом оилалар, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги;

- 2) вояга етмаганлар ўртасидаги;
- 3) илгари судланганлар ўртасидаги;
- 4) диний-экстремизм билан боғлиқ;

² ДАРСЛИК ХП 31.01.2020й.(1).pdf.

- 5) одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси;
- 6) аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, онги ва маданиятини юксалтириш;
- 7) ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш³.

Юқорида фикрлари қайд этилган муаллифлар ўзлари тадқиқот олиб борган соҳа фаолиятини муаллифлик нуқтаи-назаридан йўналишларга ажрат-ганликларини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бизнинг фикримизча, агар тадқиқ этилаётган ташкилот ёки соҳавий хизмат давлат органи ёхуд давлат органининг таркибий қисми бўлса, унда ушбу соҳавий хизмат фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида улар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида фаолиятининг асосий йўналиш-ларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур фикрдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизматларининг фаолиятини улар зиммасидаги асосий вазифалар кўлами ва мазкур вазифалар белгилаб берилган ҳамда уларни амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида ҳуқуқбузарликлар содир этилгунга қадар ва ҳуқуқбузарликлар содир этилганидан сўнг амалга ошириладиган қуйидаги йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқдир: Ҳуқуқбузарликлар содир этилгунга қадар:

1. Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти;
2. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти; Ҳуқуқбузарликлар содир этилганидан сўнг:

1. Жазоларнинг ижросини таъминлаш фаолияти.

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти – Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар жараёнида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари-нинг зиммасига биринчи галдаги мажбурият сифатида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилмоқда.

Қайд этиш лозимки, жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга оширишда ўз номига монанд ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари муҳим аҳамият касб этади ва уларнинг ижтимоий муносабатлар субъектлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилгунга қадар амалга оширадиган энг асосий кенг доирадаги фаолияти ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятидир.

Одатда, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ўзларининг ҳуқуқбузарлик-лар профилактикаси фаолиятини аввало, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги қонунига биноан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси кўринишида амалга оширадилар.

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятининг ҳуқуқбузарликлар содир этилганидан сўнг амалга ошириладиган йўналиши бу – жазоларнинг ижросини таъминлаш фаолиятидир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда жинсий жазоларни либераллаштириш соҳасида амалга ошириладиган шу каби кенг кўламли ислохотлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини таъминлашда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

³ ДАРСЛИК ХП 31.01.2020й.(1).pdf.

хизматларининг ўрни муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда улар ўзларининг хизмат ҳудудларида истиқомат қилувчи шахсларга нисбатан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тариқасидаги жазолар ва шартли ҳукм талаблари ижро этилиши устидан назоратни олиб боришда муҳим ўрин тутади ҳамда ушбу жараёнларда жазолар ижросини таъминлаш, ҳуқуқ-бузарликлар содир этилишини олдини олиш, ҳуқуқбузарларни ахлоқан туза-тиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни амалга оширадилар.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўлмиш жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жазоларнинг ижросини таъминлаш фаолиятлари кенг кўламлиги ва ўзига хос серқирралиги билан ажралиб туради. Хусусан, улар фаолиятининг асосий мақсадларидан бири ҳам жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсиз-лигини таъминлаш бўлиб, мазкур мақсадни амалга ошириш учун белгилан-ган вазифа ҳамда функцияларнинг моҳиятини жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ташкил қилади. Бу йўналишда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг асосий вазифалари ҳам жамоат тартиби бузилишига олиб келувчи омилларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жамоат хавфсизлигининг самарали таъминлашдир. Бошқача айтганда, жамоат тартибини сақлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси орқали эса, жамоат тартиби сақланиб, жамоат хавфсизлиги таъминлашга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидан. <https://kun.uz/kr/17729101?q=%2F17729101>.
2. ДАРСЛИК ХП 31.01.2020й.(1).pdf.